

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

*Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 336.5:6.01(575.1)*

МАМУРОВ КАМРОНБЕК ФАРРУХОВИЧ

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ЛИКВИДЛИЛИГИНИ ОШИРИШДА
МАРКАЗИЙ БАНК ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИ
ИНСТРУМЕНТЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ**

**5A230701 – Банк иши (фаолият турлари бўйича) мутахассснлигида
Магистр академик даражасини олиш учун тайёрланган**

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: и.ф.п., доц. Р.Р. Тоғиев

Тошкент – 2019

Магистрлик диссертацияда тижорат банклари ликвидлигини бошқаришда Марказий банк пул-кредит сиёсати инструментларидан фойдаланиш масалаларини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган

Liquidity is a key factor of soundness of banking system. It means the ability to meet its financial obligations as they come due. Banks invest in relatively illiquid assets, but it may fund its loans with mostly short term liabilities. Thus one of the main challenges to a bank is ensuring its own liquidity under all reasonable conditions.

Магистрлик диссертацияси «Банк иши» кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтган. 25 -сонли баённома «12» 06 2019 йил.

Илмий раҳбар: и.ф.н., доц. Р.Р.Тожиев



ИМЗО

сана

Магистр: К.Мамуров



ИМЗО

сана

«Ҳимояга тавсия этилади»
«Банк иши» кафедраси мудири,
PhD. У.Ш.Дускобилов


«31» май 2019 й.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
I БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ЛИКВИДЛИЛИГИНИ БОШҚАРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	9
1.1. Замонавий шароитларда банк ликвидлигини бошқаришнинг назарий асослари.....	9
1.2. Тижорат банклари ликвидлигини бошқариш усуллари ва воситалари.	14
1.3. Тижорат банклари ликвидлиги ва Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати инструментлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликлар.....	23
I боб бўйича хулоса.....	28
II БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ЛИКВИДЛИЛИКНИ БОШҚАРИШНИНГ ЖОРИЙ ҲОЛАТИ ВА УНГА МАРКАЗИЙ БАНК МОНЕТАР СИЁСАТИ ИНСТРУМЕНТЛАРИНИ ТАЪСИРИНИ ТАҲЛИЛИ.....	29
2.1. Тижорат банкларида ликвидлиликни жорий ҳолати таҳлили.....	29
2.2. Тижорат банклари ликвидлигига таъсир қилувчи пул-кредит сиёсати инструментларини баҳолаш.....	39
2.3. Тижорат банклари ликвидлигига қайта молиялаштириш сиёсатининг таъсири.....	55
II боб бўйича хулоса.....	59
III БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ЛИКВИДЛИЛИГИНИ БОШҚАРИШНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИАТЛАРИ.....	61
3.1. Марказий банк монетар сиёсати инструментлари орқали ликвидлиликни бошқаришнинг хориж тажрибасидан фойдаланиш имкониятлари.....	61
3.2. Тижорат банклари ликвидлигини бошқаришдаги мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари.....	70
III боб бўйича хулоса.....	76
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....	78
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	82
ИЛОВАЛАР.....	86

КИРИШ

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.

Тижорат банклари ликвидлилигини самарали бошқариш банкнинг ишончлилигини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шу боисдан, банк менежментида ликвидликни бошқаришга алоҳида эътибор қаратилиб, унинг етарлилиги устидан доимий назорат ўрнатилади. Чунки, акциядорларнинг манфаатлари банк қийматининг узок муддатли ва барқарор ўсиши билан узвий боғлиқ. Банк кенгашининг ликвидликни бошқариш борасидаги сиёсати унинг активлари ва пасивларини шакллантиришда ўзаро қарама-қарши бўлган ликвидлик-фойдалилик кўрсаткичлари ўртасидаги оқилона нисбатни таъминлашга қаратилиши лозим. Тижорат банклари ликвидлилигини тактик чоралар доирасида самарали бошқариб бўлмаслигини жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози яна бир бор тасдиқлади. Бу эса, ликвидликни бошқариш масаласини банкнинг стратегик менежмент тизимида бошқарувнинг объекти сифатида кўриб чиқилишини тақозо этади.

Бу эса, мазкур мамлакатларда ликвидликни ошириш дастурларидан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги билан ҳам белгиланади. Шу сабабли молиявий беқарорлик шароитида ликвидликни тижорат банклари томонидан самарали бошқариш стратегиясини шакллантириш масаласи долзарб масалага айланди.

Республикамиз тижорат банклари кредит портфели таркибида узок муддатли кредитлар ҳажмининг ўсиб бориши, банкларнинг умумий депозитлари таркибида трансакцион депозитлар салмоғининг юқорилиги шароитида банклар томонидан ликвидликни бошқариш стратегиясини ишлаб чиқиш ва унда банк ликвидлилигини қутилмаган ҳолатларда таъминлаш учун зарурий чораларнинг, хусусан инновацион воситаларнинг белгиланиши муҳим аҳамият касб этади.

Ликвидликни самарали бошқариш бўйича қатор муаммоларнинг тижорат банклари амалиётида мавжудлиги, хусусан қимматли қоғозлар билан